



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI SUDYALAR OLIY KENGASHINING Q A R O R I

2024 yil 30 mart
1888

№

Sudyalik lavozimlariga nomzodlarni tanlashda ularning bilim va kasbiy ko'nikmasini aniqlash tartibi to'g'risidagi Nizomni tasdiqlash haqida

O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2024 yil 19 fevraldagi PQ-75-son qarori bilan tasdiqlangan "Davlat va jamiyat qurilishi, sud-huquq, iqtisodiyot va ijtimoiy sohalardagi qonunlarning havolaki normalarini amalga oshirish bo'yicha" chora-tadbirlar rejasining 1-bandini ijrosini ta'minlash maqsadida, "O'zbekiston Respublikasi Sudyalar oliy kengashi" to'g'risidagi Qonunning 7, 17-moddalarini qo'llab, Kengash

Q A R O R Q I L A D I :

1. Sudyalik lavozimlariga birinchi marta tayinlanadigan nomzodlarni, yangi vakolat muddatiga yoki boshqa sudyalik lavozimlariga nomzodlarni tanlashda ularning bilim va kasbiy ko'nikmasini aniqlash tartibi to'g'risida Nizom ilovaga muvofiq tasdiqlansin.

2. Ushbu qaror qabul qilingan kundan e'tiboran kuchga kiradi.

Kengash raisi



X.Yodgorov

Ўзбекистон Республикаси
Судьялар олий кенгашининг
2024 йил 30 мартдаги 1888-
сонли қарорига
ИЛОВА

**Судьялик лавозимларига биринчи марта тайинланадиган
номзодларни, янги ваколат муддатига ёки бошқа судьялик
лавозимларига номзодларни танлашда уларнинг билим ва касбий
кўникмасини аниқлаш тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом судьялик лавозимларига биринчи марта тайинланадиган номзодларни, янги ваколат муддатига ёки бошқа судьялик лавозимларига номзодларни танлашда (кейинчалик матнда “номзод” деб юритилади) уларнинг билим ва кўникма даражасини аниқлашда қўлланиладиган усуллардан фойдаланиш тартибини белгилайди.

2. “Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши тўғрисида”ги Қонуннинг 24-моддасига асосан судьялик лавозимларига биринчи марта тайинланадиган номзодларни, янги ваколат муддатига ёки бошқа судьялик лавозимларига номзодларни танлашда турли ўрганиш усулларидан – суҳбат ўтказишдан, мустақил экспертлар томонидан тест синовидан ўтказишдан, берилган муаммолар бўйича мавзуга оид рефератлар тайёрлашдан, билим даражасини аниқлаш учун электрон сўров дастуридан фойдаланиш мумкин.

3. Судьялик лавозимларига биринчи марта тайинланадиган номзодлар, шунингдек янги ваколат муддатига ёки бошқа судьялик лавозимларига тайинланадиган номзодлар Кенгаш томонидан ўрганишда қуйидаги усулларидан фойдаланиш мумкин:

а) билим даражасини аниқлаш учун электрон сўров дастури ёрдамида ва оғзаки суҳбат асосида текшириш;

б) мустақил экспертлар томонидан тузилган тест синови ўтказиш;

в) берилган муаммолар бўйича мавзуга оид рефератлар тайёрлаш.

4. Ҳар бир ўрганиш натижаси алоҳида-алоҳида баҳоланади ва Кенгаш томонидан судьялик лавозимига танлаш ва тайинлашда номзоднинг билим ва кўникма даражасига баҳо беришда фойдаланилади.

5. Номзодларни лавозимга тайинлаш билан боғлиқ бошқа масалалар Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгашининг Регламенти асосида ҳал этилади.

2-боб. Номзодларнинг билим даражасини электрон сўров дастури орқали ва оғзаки суҳбат асосида текшириш

6. Номзодлар кенгашнинг электрон сўров дастурига кириб, ўз ихтисослиги бўйича билетлардан бирини танлайди ва ундаги саволларга кенгаш йиғилишида оғзаки жавоб беради.

Шунингдек, кенгаш аъзолари томонидан номзодга унинг суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислоҳотларнинг мазмун-моҳияти ва ихтисосликка оид қонунчиликни билиш даражаси, шунингдек унинг дунёқараши доирасини аниқлаш мақсадида қўшимча саволлар берилиши мумкин.

Бунда, номзодларнинг оғзаки суҳбати Кенгаш томонидан қуйидаги мезонлар асосида баҳоланади:

номзодларда суд-ҳуқуқ соҳасини ислоҳ этиш билан боғлиқ асосий сиёсий-ҳуқуқий ва ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар моҳиятини таҳлил қилиш қобилияти;

номзоднинг одил судловни амалга оширишга лаёқатлилиги;

номзоднинг назарий билимлари асосида ихтисослик йўналиши бўйича малакаси ва кўникмаси.

7. Очиқлик ва холисликни таъминлаш мақсадида жиноят, фуқаролик, иқтисодий ва маъмурий ихтисослик бўйича бўйича электрон сўров дастуридаги саволлар Судьялар олий кенгашининг расмий веб-сайтига жойлаштирилади.

8. Оғзаки суҳбатнинг шаффофлиги таъминлаш мақсадида ҳар бир ихтисослик бўйича судьялик лавозимларига номзодлар ва раҳбарлик лавозимларига номзодлар учун сўров дастури ягона ахборот тизимига жойлаштирилади ва номзод томонидан танланган рақам асосида саволлар дастур томонидан мустақил шакллантирилади. Электрон дастурда ихтисослик бўйича саволлар такрорланмайди. Электрон сўров ва суҳбат жараёнини ахборот тизими воситаси орқали кузатиш имконияти таъминланади.

9. Суҳбат натижаси Кенгаш томонидан маслаҳатда кенгаш регламентида назарда тутилган тартибда, ҳар бир Кенгаш аъзосининг фикри ҳисобга олинган ҳолда баҳоланади.

3-боб. Мустақил экспертлар томонидан тест синовидан ўтказиш тартиби

10. Бўш судьялик лавозимида танловда иштирок этиш истагини билдирган номзод ва судьяларни танлашда, уларнинг касбга муносиблигини баҳолаш мақсадида мустақил экспертлар томонидан тест синовларидан ўтказилиши мумкин.

1) судьялик лавозимларига номзодлар ва судьяларнинг касбга муносиблигини баҳолашга кўмаклашувчи психологик тест синовидан;

2) ихтисослик бўйича ҳуқуқий билим даражасини аниқлаш борасидаги тест синовидан ўтказиш.

Бунда, тест синовлари электрон дастур ёрдамида баҳоланади. Психологик тест натижаларини баҳолашда психология соҳасидаги мутахассиснинг тавсиявий характердаги хулосаси олинади.

11. Тест синовларини адолатли ва холисона ўтказиш мазкур Низом талабларига қатъий риоя этган ҳолда Кенгаш томонидан таъминланади. Тест синовлари электрон дастур орқали онлайн тарзда вилоят ва унга тенглаштирилган судлар судьялари малака ҳайъатлари ҳамда Олий малака ҳайъати билан ҳамкорликда ўтказилади.

12. Тест топшириқлари шартлари, вақти алоҳида эълон қилинади.

13. Судьялик лавозимларига номзодлар ва судьяларнинг касбга муносиблигини баҳолашга кўмаклашувчи психологик тест Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгашининг 2021 йил 6 майдаги СОКҚ-1543-III-сонли қарори билан тасдиқланган “Судьялик лавозимларига номзодлар ва судьяларнинг касбга муносиблигини баҳолашга кўмаклашувчи психологик тест тизими тўғрисида”ги Низом асосида ўтказилади.

“Психологик тест” ахборот тизимида топшириладиган психологик тестлар сони ва мазмуни Судьялар олий кенгаши томонидан мутахассис эксперт (психолог) билан ҳамкорликда белгиланади.

14. Номзоднинг тест синовларини топшириш вақтида уяли телефон, компьютер, телекоммуникация қурилмалари ва бошқа воситалар, қонунчилик ҳужжатларини олиб кириш тақиқланади.

4-боб. Берилган муаммолар бўйича мавзуга оид рефератлар (суд ҳужжатлари лойиҳалари) тайёрлаш тартиби

15. Раҳбарлик лавозимларини (суд раислари) эгаллаш учун номзодларни танлашда берилган муаммолар бўйича мавзуга оид рефератлар тайёрлаш усулидан фойдаланилиши мумкин.

16. Реферат тайёрлаш қандайдир масаланинг таснифланиши, умумлаштирилиши, таҳлили ва синтези асосида баён қилинишини назарда тутди.

17. Реферат асосида номзоднинг лаёқати қуйидаги мезонлар бўйича баҳоланади:

судьялик фаолиятини амалга ошириш, суд ишини ташкил этиш, касбий этика, ишчанлик мулоқоти ва вақтни бошқариш, раҳбарлик, бошқарувчанлик салоҳият ва кўникмалари;

амалдаги қонунчилик нормаларини шарҳлаш ва қўллаш масалаларига доир кўникма ва қобилияти;

мантиқий фикрлаш, умумлашма-таҳлил қобилияти;

18. Судьялик лавозимларига биринчи марта тайинланадиган номзодларни ўрганишда соҳага оид муаммоли вазиятларни ёзма шаклда кейс ёки казус йўналишида берилган ҳолат бўйича суд ҳужжатини шакллантириш қобилияти ва кўникмаси текширилиши мумкин.

Бунда, номзоднинг мустақил фикр юритиш, амалдаги қонунларга таянган ҳолда масала ечимини топиш қобилиятига, ўз ҳулосасини асослантириш кўникмасига баҳо берилади.

19. Тайёрланган мавзуга оид рефератлар (суд ҳужжатлари лойиҳалари) бўйича номзодларнинг билим даражаси Кенгаш судьялари томонидан қуйидагича баҳоланади:

86 баллдан 100 баллгача – аъло;

71 баллдан 86 баллгача – яхши;

56 баллдан 71 баллгача – қониқарли;

0 баллдан 56 баллгача – қониқарсиз.

5-боб. Яқунловчи қоидалар

20. Номзодни судьялик лавозимларига танлашда, мустақил экспертлар томонидан тузилган тест синови ва муаммолар бўйича мавзуга оид рефератлар (суд ҳужжати)ни тайёрлаш номзод

судьялик лавозимига тайинлаш ёки тавсия этиш ҳақида ариза билан мурожаат қилгандан кейин Кенгаш йиғилишига қадар бўлган даврда ўтказилади.

Электрон сўров дастури ёрдамида ва оғзаки суҳбат асосида номзоднинг билим даражасини аниқлаш бевосита Кенгаш йиғилишида амалга оширилади.

21. Ушбу Низом ижросини назорат қилиш Кенгашнинг Судьялар корпусини шакллантириш шўъбаси зиммасига юклатилсин.